

## **СЎЗ МОРФЕМ ТАРКИБИННИГ НОМУТАНОСИБЛИГИГА**

### **МУНОСАБАТИ МАСАЛАСИГА ДОИР**

Аҳмедова Ҳикматхон

ҚўқонДПИ, катта ўқитувчи,

Муҳаммаджонова Дилхаё,

Абдумажидова Феруза,

Нўмонова Рухшона

Рус тили ва адабиёти факультети талабалари

#### **Аннотация**

Мақолада лисоний бирликлар шакл ва маъно номутаносиблигининг функционал, систем ва структур турлари; сўз морфем таркиби унсурларининг уларга муносабати каби масалалар хусусида сўз юритилади

#### **Аннотация**

В статье речь идет о функциональных, системных и структурных асимметриях формы и содержания языковых единиц и к ним отношения морфемные строения лексических единиц.

**Таянч сўз ва иборалар:** функционал номутаносиблик, систем номутаносиблик, структур номутаносиблик, вазифавий(функционал) унсур, таксономик унсур, семантик унсур, асемантик унсур,, афункционал унсур.

**Ключевые слова и выражения:** функциональная асимметрия, системная асимметрия, структурная асимметрия, функциональный элемент, таксономический элемент, семантический элемент, асемантический элемент, афункциональный элемент.

Тилнинг ифодаловчи (шаклий) ва ифодаланувчи (мазмун) сатҳларига хос лисоний бирликлар ва уларнинн ўзаро муносабатига кўра, лисоний номутаносиблик уч турга бўлинади:

- а) функционал (вазифавий) лисоний номутаносиблик;
- б) систем лисоний номутаносиблик;
- в) структур лисоний номутаносиблик.

Функционал лисоний номутаносиблик бир лисоний шаклга ҳар хил маъновий қиймат юклаш ёки айни бир маънони ҳар хил шакллар орқали ифодалаш билан вужудга келади. Бу номутаносибликтининг асосий қўринишларига қўп маънолилик, омонимия, синонимия, дублет киради.

Систем лисоний номутаносиблик тил тизимида амалда бўлувчи айрим ҳодисаларнинг нотекис ривожланиши жараёнида қўзга ташланади. Масалан, муайян бир мазмуний майдонда синонимик муқобиллар ижобий ва салбий маънолар билан ҳар хил ҳажмдаги гурӯҳлар ҳосил қилиши лисоний номутаносибликтининг систем турига мансуб бўлади.

Структур лисоний номутаносиблик тилнинг лугавий (лексик), грамматик, орфографик ва бошқа сатҳларига хос бирликларни ўз ичига олади. Структур номутаносиблик лисоний номутаносибликтининг юқоридаги икки турига қараганда, кенг тарқалган. Айниқса, тилнинг синтактик сатҳига хос номутаносиблик лисоний номутаносибликтининг тилнинг бошқа сатҳларига хос номутаносибликлар билан муносабатдош бўлади<sup>1</sup>.

Структур лисоний номутаносиблик тил бирликлари таркибий қисмларининг миқдори ва шу миқдор билан мувофиқлашувчи маъно ва вазифа муносабатига асосланади. Шунинг учун ҳам лисоний номутаносибликтининг бу тури тилнинг синтактик сатҳи ҳодисаларида анча фаол бўлади. Масалан, гап ва сўз бирикмалари қурилишини олсақ, уларнинг таркибида функционал (вазифавий) ва таксономик компонент--қисмлар мавжуд бўлади. Функционал (вазифавий) компонент-қисмлар синтактик қурилмаларнинг функционал позициядаги унсурларига (аниқроғи, гап бўлаклари ва қўшма гапнинг тўлиқ предикатив асосли қисмларига) teng келади. Бу қисмлар мустақил тарзда синтактик ва семантик қийматга эга бўлади. Таксономик характердаги қисмлар (компонентлар) мураккаб ва икки ёқлама ҳодисалар саналиб, функционал қисм билан мувофиқлашиб teng келиши ҳам, мувофиқлашмай teng келмаслиги ҳам мумкин. Синтактик-семантик жиҳати мутаносиб (симметрияли) қурилмаларда бу икки ҳодиса, яъни функционал ва таксономик қисмлар бир синтактик позицияда тўқнашади, яъни айни бир компонент-қисм ҳам функционал, ҳам таксономик бирлик ҳисобланади. «Ўнта дафтар»,

<sup>1</sup> Абдусаматов Р. Функционал ва таксономик бирлик тушунчалари ҳамда синтактик муносабат масаласи // Ўзбек тили тараққиёти муаммолари(илмий асарлар тўплами). 1 – китоб. Тошкент, 1992. 97-98-б.; Розиқова Г.З. Ўзбек тилида синтактик полисемия. Номзодлик диссертацияси автореферати. Тошкент, 1999. 10 – б.

«Талабалар клубга тўпланди» сингари қурилмаларда уларнинг функционал (ўнта, дафтар; талабалар, клубга, тўпланди) қисмлари айни ўринда таксономик қисмлар ҳам ҳисобланади. Функционал қисм синтактик қурилманинг маъно ва вазифага эга бўлган унсуридир. Синтактик қурилманинг қисмларидан бири фақат таксономик характер касб этганда, у тилнинг қайсиdir ҳодисасини эслатувчи фақат шаклий-моддий хусусиятга эга бўлиб, тилнинг моддийлашган шу шаклига хос вазифа бажармайди, унинг лисоний маъносини юзага чиқармайди<sup>2</sup>.

Функционал ва таксономик қисмлар ва уларнинг ўзаро муносабатини синтактик сатҳ ҳодисаларида кўрадиган бўлсак, уни қуйидаги гап қурилиши ёрдамида яққол тасаввур этиш мумкин: Миллий тилни йўқотмоқ миллатнинг руҳини йўқотмоқдир (А.Авлоний). Мазкур гап қурилишида олти таксономик, яъни шаклий қисм(бирлик) мавжуд: миллий, тил(ни), йўқотмоқ, миллат(нинг), руҳ(ини), йўқотмоқ(дир). Функционал қисмларга келсак, мазкур гап қурилишида иккитагина қисм мавжуд: эга (миллий тилни йўқотмоқ) ва кесим (миллатнинг руҳини йўқотмоқдир). Структур лисоний номутаносибликтин бор моҳиятини ана шу мисолнинг ўзидаёқ яққол қўриш мумкин<sup>3</sup>.

Синтактик сатҳ ҳодисаларига хос шаклий-мазмуний номутаносиблиқ ҳакидаги йўл-йўлакай маълумотлар В.Г.Гак, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Бердиалиев, Р.Расулов, Р.Абдусамадов, Б.Шеронов, Р.З.Розиқова сингари олимларнинг турли даврларда ёзилган тадқиқотларида учрайди. Хусусан, синтактик сатҳ ҳодисаларига хос номутаносибликтин парадигматик номутаносиблиқ ва синтагматик номутаносиблиқ (В.Г.Гак) деб аталувчи икки тури проф. А.Бердиалиев томонидан ўзбек тили синтактик ҳодисаларига ҳам татбиқ этилган. Маълум қилинишича, синтагматик номутаносиблиқда синтактик қурилмаларнинг маъновий – вазифавий жабҳаси билан уларнинг моддий-шаклий жабҳаси бирлклари мувофиқ келмайди. Номутаносибликтин бу тури икки омил таъсирида пайдо бўлади. Бу омилларнинг бирини лисоний ортиқчалик, иккинчисини лисоний тежамлилик деб аталади. Лисоний тежамлилика мураккаб фикр оддий шакллар

<sup>2</sup> Розиқова Г.З. Ўша автореферат. 10-б.

<sup>3</sup> Бердиалиев А. А. Навоий асрлари тилининг бир синтактик хусусияти ҳақида // Алишер Навоий (илмий мақолалар тўплами .Хужанд. 1991. 41-43 б.

воситасида ифодаланади ёки бутун бир фикрни рӯёбга чиқарувчи унсурлардан баъзилари шаклий ифодага эга бўлмайди. Лисоний ортиқчалик лисоний тежамлиликнинг акси. Бу қонуният амал қилган синтактик қурилмаларда уларнинг айрим шаклий бирликлари шу шаклий бирликларнинг тилда расмийлашган маъно ва вазифаларидан холи бўлади, яъни маъносиз ва вазифасиз мақом касб этади<sup>4</sup>.

Сўз таркибининг асемантиқ, афункционал характердаги лисоний унсурлари шакл ва мазмун номутаносиблигининг структур номутаносиблик деб аталувчи турига қарашли бўлади. Структур лисоний номутаносиблигнинг лексемаларга хос кўриниши ҳам синтагматик характердаги номутаносиблик ҳисобланди. Сўз таркибида хос синтагматик номутаносиблик ҳам, синтактик қурилмаларда бўлгани каби, сўз таркибида функционал қисмлар билан бир қаторда, афункционал-асемантиқ қисмларнинг ҳам мавжудлигига асосланади. Бу жараён сўз таркибини ички—морфем қисмларга ажратиш йўли билан амалга оширилади. Сўз таркибининг шаклий қисмлари билан шу қисмларга тилда расмийлашиб, оммалашган маъновий қисмлар мувофиқлашса, бундай сўзлар таркибидан асемантиқ ва афункционал қисмларни қидириш фойдасиз. Чунки сўзнинг сўз ясалиши ёхуд шакл ўзгариши амалларини кўзда тутган морфем қурилишда асемантиқ ва афункционал лисоний унсурлар мавжуд бўлмайди. Ўзбек тилида таркибида ҳозирги ўзак ва расмий тарзда оммалашган аффикслар мавжуд бўлган барча сўзларнинг морфем қурилиши ана шундай, яъни улар асемантиқ ва афункционал қисмлардан холи. Уларнинг таркибий қисмлари факат функционал ва семантиқ морфема (морф)ларга ажралади: мевазор(мева-зор), ишчи(иш-чи), билимдон(бил-им-дон), тўшак (тўша-к); болалар (бола-лар), китобнинг (китоб-нинг), фойдаси (фойда-си) каби. Кўзойнак (кўз-ойнак), кўричак (кўр-ичак); қозон-товоқ (қозон, товоқ), олди-берди (олди, берди), катта-кичик (катта, кичик), тез-тез (тез, тез), типидаги қўшма, жуфт ва такрорий сўзлар таркиби ва уларнинг қисмлари ҳам шу гурухга киради. Уларнинг лисоний табиати лисоний бирликларнинг ифода ва мазмун муносабатини тасаввур эттирувчи «1:1» схемаси(формуласи)га мос бўлади.

Сўзни морфем қисмларга ажратганда, расмий морфема кўринишидаги бирор қисмнинг (унинг ўзак ёки аффиксга мойиллигидан қатъий назар, бошқа

<sup>4</sup> Тожиев Ё. Ўзбек тили морфемикаси. Тошкент, 1992.



синтагматик қуршовларда ҳам тилда расмий мақомга кирган маъно ва вазифаси уқилмаса, бундай қисм(унсур)лар шу сўз таркибининг таксономик мақомдаги асемантик ва афункционал қисми (унсури) ҳисобланади. Бу лисоний ҳолат лисоний бирликлар ифода ва мазмун планлари номувофиқлигини кўрсатувчи шакл ва мазмун номутаносиблигигини билдиради. У шакл ва маъно номутаносиблигининг тилнинг сўз ясалиши ва шакл ясалиши жараёнларини акс эттирувчи морфем сатҳига хос кўриниши саналиб, синтагматик номутаносибликнинг сўзнинг морфем қурилишига қарашли бўлади. Эпақа, эпчил, етакла, етакчи, олға, олдин; ёқимтой, мирзатерак, мирзачўл; афт-ангур, бирда-ярим, биратўла, тўс-тўпалон, дарду ҳасрат, изма-из ва ҳ.к. юзлаб сўзлар таркибида таксономик тавсифдаги ана шундай лисоний унсурлар мавжудки, уларнинг таркиби ҳам лисоний номутаносибликнинг синтагматик турига киради. Бу луғавий бирликларнинг айримлари, биринчидан, тилнинг ҳозирги нуқтаи назаридан расмий мақомдаги морфем қисмларга ажralмайди (эпақа, эпчил, етакчи, олға, олдин); иккинчидан, расмий мақомда морфем қисмларга ажralадиган айримларида улар таркибидаги морфем қисмлардан бири расмий оммалашган одатдаги лисоний маъно ва вазифасидан холи бўлади (мирза: мирзатерак, мирзачўл; ангор: афт-ангур, тўс: тўс-тўпалон; -да: бирда-ярим, -а: биратўла; у: дарду ҳасрат; ма: изма-из). Фикримизнинг исботи учун «мирзатерак», «мирзачўл» сўзлари таркибида ўзак морфемалардан бири тусида иштирок этаётган «мирза» унсурига «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да (М., 1981) берилган шарҳга мурожаат қиласиз. Бу манбада мазкур унсурнинг лексема (сўз) мақомидаги хусусиятлари берилган. Унинг «ёзув ишларини олиб борган лавозимли киши, котиб (Амлоқдорнинг мирзаси...қаламини қўлига олди. С.Айний) маъносидаги историзм (тариҳий сўз); «саводли, ўқимишли ёш кишиларга ҳурмат билан мурожаат этиш» шаклидаги (кўчма маъноли); «юқори табақаларга мансублик(жаноб)»ни билдирувчи шахс» маънолари ҳамда «эркак кишиларга қўйиладиган исм» эканлиги қайд этилган. Энди «мирзатерак», «мирзачўл» лексемалари таркибида уларнинг морфемага ўхшаш қисмларидан бири сифатида иштирок этган «мирза» унсурини сўзнинг луғавий маъноли қисми деб бўладими? Бу икки сўз таркибида «мирза»нинг «Изоҳли луғат»да қайд этилган қайси маъноси сақланган? «Ёқимтой», «эркатой» лексемалари таркибидаги «той» унсури ҳам «мирзатерак»,



«мирзачұл» лексемалари таркибидаги «мирза» унсури каби тилда расмий тусга кирган одатдаги луғавий маңноларидан маҳрум бўлган. Энди уни шу сўзлар таркиби нуқтаи назаридан луғавий қийматга эга семантик унсур деб бўлмайди. Бироқ «мирза» унсури «мирзатерак», «мирзачұл»; «той» унсури «эркатой». «ёқимтой» сўзлари таркибida шу сўз-дериватларни ясовчи, мотивловчи функционал унсур сифатида иштирок этган: «мирзачұл», «мирзатерак»; «ёқимтой», «эркатой» ясалган (ясама) сўзлардир.

Сўз таркибida тилда расмийлашган маъно ва вазифасидан узоқлашиш аффикс характеридаги морфемаларнинг ҳам анчасига хосдир. Масалан, «синтактик шакл ҳосил қилувчи баъзи аффикс морфемалар ... ўз маъносидан узоқлашган бўлиши, ўз вазифасини бажармаслиги, модал шакл ҳосил қилувчи сифатида қўлланадиган бўлиб қолиши мумкин. Чунончи, «тездан», «бирга», «шунда» (...); «ғоятда», «бирдан», «шубҳасиз», «сўзсиз» ...; «бор—боргин», «ёзинг—ёзингиз», «томиз—томиздир», «бири—бириси», «толди—толиқди», «кечаси», «эртаси», «эртага», «қараганда», «ҳақида», «тўғрисида», «афтидан» кабилар... Хозирги кунда уларни алоҳида морфема сифатида қараб бўлмайди»<sup>5</sup>.

Келтирилган сўзлар таркибida айрим морфологик кўрсаткичлар шу сўзлар морфем таркибининг афункционал (новазифавий), яъни таксономик қисмлари мақомида иштирок этиб, морфем сатҳга хос сўз ясалиши ва шакл ясалиши жараёнлари билан қоришган шаклий-мазмуний номутаносиблигни келтириб чиқарган. Фикримиз далили учун проф.А.Бердиалиевнинг илмий-оммабоп макомда нашр этилган «Сўзлар оламига саёҳат» рисоласидан ўрин олган «яйлов» сўзи ҳақидаги мулоҳазасига мурожаат қиласиз. Унда шундай ёзилади: «...оғзаки ва ёзма нутқимизда ҳам, матбуот сахифаларида ҳам яйлов сўзи тез-тез учраб туради... Бу сўз чорва моллари боқиладиган кенглик (қир, дала) маъносини англатади. Агар бу сўзнинг тарихий маъносини ҳисобга олганимизда эди, уни «Қишки яйловларда» каби шу (киш) фаслга нисбатан ишлатмаган бўлардик. Чунки «яйлов» сўзи тарихан «яй», «-ла» , «-в» унсурларидан ташкил топган. Унинг «йай» қисми мустақил маъноли сўз бўлган—«ёз»(лето) маъносини билдирган. «-ла» унсури «йай»га кўшилиб, «ёзла», «ёзни ўтказ» маъносидаги янги лексемани ҳосил қилган бўлса, «-в» қўшимчаси «йайла»га бирекиб, «ёз фаслини ўтказадиган жой», «кенглик»

<sup>5</sup> Бердиалиев А. Сузлар оламига саёҳат. Хужанд, 2012.

маъносидаги яна бошқа янги сўз ясаган. Хуллас, «яйлов» сўзи «қишилов» (қишила-в) сўзининг зид маъносини билдирувчи луғавий бирлик характерини касб этган». Муаллиф(А.Бердиалиев) «яйлов» ҳақидаги фикрларини унинг (шу сўзнинг) «яхшигина ҳордиқ чиқармоқ, «дурустгина сайр қилмоқ» маъноларини билдирувчи «яйрамоқ» сўзи ва унинг ўзак (тариҳан) қисми билан хам генетик боғлиқлигини эътироф этган ҳолда, давом эттирган<sup>6</sup>.

Хуллас, ўзбек тилида морфем таркибида расмий лисоний маъноси ва вазифасидан узоклашган луғавий ва морфологик унсурлар анча. Улар алоҳида тадқикотлар обьектидир.

<sup>6</sup> Бердиалиев А. Ўша асар.